

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ MO3-123
201 7 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
Ўрта махсус таълим вазирининг
2017 йил 7 август даги
№ MO3-123 қарори билан
рўйхатга олинди.

“ Ўзбек тили ва адабиёти”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаширининг*

*2017 йил 18 август даги 4 - сонли баённомаси билан
маъқулланган.*

Тузувчилар: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият
ривожини ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев,
ф.ф.д., проф. М.М.Касхарова.
“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунийлик
нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. О.Х.Нарзуллаев.
“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”
модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсоланова, ўқитувчилар
Н.А.Эшмаматов, К.Рискулова.
“Электрон педагогика асослари ва педагогик шахсий, касбий ахборот
майдонини лойиҳалаш” модули: ф.м.ф.н., доц. Х.Холматов, катта
ўқитувчилар В.Хамидов, М.Файзиёва, ўқитувчилар Т.Шаймардонов,
А.Обидов.
“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар У.Гиясова,
Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгаширининг етакчи
мутахассислари.
“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахтиз ва қарорлар
қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, п.с.ф.н.
Х.М.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. А.З.Каримов.
Махсус фанлар бўйича:
ф.ф.д. А.С.Эркинов, ф.ф.д., доц. З.Холмонова, ф.ф.д., проф. Х.Болтабоев,
п.ф.д., проф. М.Мирқосимова, п.ф.д., проф. Қ.Ўлдошев, доцент
М.Хожиматова, п.ф.д., проф. Ж.Толпинова.

Тасдиқчилар: ф.ф.д., проф. И.Юлдашев,
ф.ф.д., проф. Б.Туҳшев

Ўқув дастури ТошДУТАУ Илмий кенгаширининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган
(2017 йил 22.06 даги 4 - сонли баённома)

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг илғор хорижий тажрибаларини ўзида акс эттириб, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунийлик ҳужжатлари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Компьютер лингвистикаси асослари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизimli тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизimli тахлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

5.2. Филологик тадқиқотларда тизimli тахлил.

VI. Махсус фанлар

6.1. Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар.

6.2. Бадний асарни тахлил қилиш методикаси.

6.3. Адабий таълим технологияси.

6.4. Нутқ санъати.

6.5. Педагогик квалиметрия.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юқсак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирди:

- “Ўзбек тили ва адабиёти” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Ўзбек тили ва адабиёти” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегинли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- филологик таълим жараёнини ташкил этишга доир илгор хорижий тажрибаларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хосликларини;

- компьютер лингвистикасининг асосий йўналишлари ва автоматик таржимага қўйиладиган техник талабларни;

- филологик тадқиқотларни тизимли таҳлилни қўллашнинг терминологик асослари ва йўналишларини;
- ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини;
- бадиий таҳлилнинг моҳияти ва хусусиятларини;
- адабий таълим технологиясининг концептуал асосларини;
- нутқ техникаси ва унинг моҳиятини;
- педагогик квалиметриянинг ўзига хос хусусиятлари ва тадқиқот методларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- филологик таълим жараёнида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- таржимон дастурлар билан ишлаш;
- аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш;
- ўзбек тили таълимида янги методларни қўллаш;
- лирик, эпик ва драматик асарларни таҳлил этиш;
- олий адабий таълимда профессор-ўқитувчи-талаба-ёзувчи ҳамкорлиги стратегиясини қўллаш;
- нафас, овоз ва талаффуз техникасини амалиётда қўллаш;
- таълим-тарбия жараёнидан кутилган натижаларга эришилганлик даражасини аниқлаш *қўникмаларига* эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- филологик таълимга оид хорижий манбалар билан ишлаш;
- лингвистик материалларни моделлаштириш;
- филологик таълимда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда инновацион-креатив ёндашувни татбиқ этиш;
- бадиий асарлар таҳлилида психологик, психоаналитик методларни қўллаш;
- адабий таълимда интерфаол усулларни татбиқ этиш;
- нутқ техникасида орфоэпия қоидаларига тўлиқ риоя қилиш;
- Му test дастуридан фойдаланиш *малакаларини* эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг тараққиёт йўналишларини билишга доир когнитив;
- ўзбек тили ва адабиёти таълимда анъанавий ва инновацион ёндашувларни қўллашга доир креатив;
- ўзбек тили ва адабиёти таълимида самарали мулоқот ва ҳамкорликни ташкил этишга доир коммуникатив;
- ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг махсус шакл, метод ва воситаларини амалий фаолиятда қўллаш олишга доир методик;

- ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш жараёнида талабаланинг ўз-ўзини ривожлантириши ва такомиллаштиришига доир аксиологик;
- ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда сўз ва образлар уйғунлигини таъминлашга доир бадий-эстетик;
- ўзбек тили ва адабиёти таълимида миллий, умуминсоний анъана ва қадриятларнинг уйғунлигини таъминлашга доир аксиологик компетенцияларни эгаллаши лозим.

Курснинг ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Ўзбек тили ва адабиёти” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

I.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия масалалари

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожига, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал гоялар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқародик жамиятнинг ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялашни жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги «Янги ўқув услубий мажмуаларини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123 -сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечтиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорлиқнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциални баҳолаш мезонлари.

2.2. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар

Филологик таълимда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этишнинг концептуал асослари. “Синектика”: алтернатив фикрлаш асосида муаммони гуруҳларда ҳал этиш модели. Интеллект-карталар бўлажак филологнинг касбий компетентлигини ривожлантириш воситаси. Нейролингвистик дастурлаштириш. Информацион материаллар устида ишлашга доир хорижий тажрибалар. Контекстли таълимни кўллашга доир илғор хорижий тажрибалар. “Cooperative learning” (хамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш)нинг филологик таълимдаги ўрни.

III. Таълим жараёндарида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office

пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни ҳимоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

3.2. Компьютер лингвистикаси асослари

Компьютер лингвистикасининг шаклланиши ва ривожланиши. Компьютер лингвистикасининг шаклланиш тарихи. Компьютер лингвистикасининг асосий йўналишлари. Сунъий интеллект тушунчаси. Информацион кидирув тизими. Компьютер лексикографияси. Автоматик таржима. Таримон дастурлар. Таржима алгоритми. Таржима жараёнида кўчма маънодаги сўзлар, ибораларни ўгириш. Таржимон дастурлар. Автоматик таҳрир дастурлари. Автоматик таҳрир йўналишининг вазифалари. Хорижда татбиқ қилинган таҳрир дастурлари. Автоматик таҳрирга қўйиладиган талаблар.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тилни ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилни амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

5.2. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил

Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг ўрни, моҳияти ва аҳамияти. Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлил асослари. Тушунча ва тамойиллар тизими. Тизимли таҳлилнинг тизимли ёндашувдан фаркли жиҳатлари. Аниқланмаганлик шароитида муҳоким қарор қабул қилиш тизимли услуб асоси сифатида. Тадқиқот объектини яхлит тушуниш ва тизимли таҳлилни ташкил этиш. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил методикаси. Филологик тадқиқотларда тизимлилик. Структура ва тизим. Таҳлил жараёнининг тизимли характери. Филология илмида тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика→структурал поэтика→семиотика; илмий ва назарий масалаларнинг тизимли таҳлил амалиётидаги ечими. Тизимли таҳлилнинг терминологик асослари ва йўналишлари. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни

ташқил этиш. Бадний матнга тизимли ёндашув. Тахлил жараёнарининг кетма-кетлиги ва яхлитлиги. Адабиётшуносликка доир тадқиқотларда тизимли тахлил тамойиллари. Адабиётшунослик тизими ва бадний матн тузилмаси. Тизимли тахлилда услуб ва тизимлилик. Тизимли тахлилда микдорийлик ва сифат, уларнинг нисбати ва бирлиги. Матнга индивидуал ёндашувда тизимлилик. Тингловчиларда ижодий ва тизимли ёндашувни шакллантириш.

VI. Махсус фанлар

6.1. Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар

Ўзбек тилшунослигининг тараққиёт йўналишлари. Тилшуносликнинг тараққиёт босқичларида инновация. Ўзбек тилшунослигининг янги йўналишлари. Ўзбек тилининг назарий масалалари талқинида янгича ёндашувлар. Ўзбек тили таълимида янги методларни қўллаш. Адабиётшуносликдаги янги йўналишлар ва методлар. Ўзбек тили таълимида инновацион педагогик технологиялар. Тилшуносликнинг тараққиёт босқичларида инновация. Тил ҳодисаларини синергетик парадигма асосида талқин қилиш. Тил бирликлари қисмларида аранжировка (ўрин ва тартиб), синергетика ва синергетик тахлил.

6.2. Бадний асарни тахлил қилиш методикаси

“Бадний асар тахлили методикаси” – фан сифатида. Бадний тахлил моҳияти ва хусусиятлари. Бадний асар тахлилининг етакчи тамойиллари. Асар тахлилида мавзу, муаммо, дунёқараш ва мидлийлик. Асар тахлилида шакл ва мазмун, объект ва субъект муносабатлари. Тахлилда тасвирий унсурларнинг ахамияти. Бадний асар тахлили амалиётида бадний матнга ёндашув тизими. Бадний асарнинг илмий ва ўқув тахлили. Тахлил босқичлари. Тахлилда адабий тур ва жанр хусусиятларини ҳисобга олиш. Лирик, эпик ва драматик асарларни тахлил қилиш. Бадний асар тахлиliga хос ёндашувлар тизими. Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф ижод намуналарини тахлил қилишда тасвирий унсурларга, мавзу, гоҳ, ижодкор дунёқараш масалалари. Замонавий ҳикоячилик ва кичасаччилик намуналарини тахлил қилишда адабий тур ва жанр хусусиятларини ҳисобга олиш. Драматик асарлар тахлилида шакл ва мазмун мутаносиблиги. Замонавий ўзбек романлари тахлилида психологик, психоаналитик ёндашув.

6.3. Адабий таълим технологияси

Олий филологик таълимга янгича ёндашув. Унда бадний асарларнинг эстетик бетакрорлиги асосларини кўрсатиш устуворлиги. Бадний матнга ёндашишда тингловчилар мустақил фикри ва бадний тахлил компетентлигини шакллантиришнинг устуворлиги. Олий адабий таълимда профессор-ўқитувчи – тингловчи – ёзувчи ҳамкорлиги стратегиясини қўллаш. “Адабиёт назарияси” ва “Адабиётшуносликка кириш” фанларини мидлий асосларда ўқитиш зарурияти. Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарини ўргатишда инновацион технологияларни қўллаш.

Замонавий адабиётни ўқитишда дидактик инновациялардан фойдаланиш методикаси. Жаҳон адабиётни ўқитишда инновацион технологияларни татбиқ этиш методикаси.

Бадний асарга мустақил ёндашуви таъминлаш – тингловчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш омили. Адабиёт дарсларида тингловчилар бадний тахлил компетентлигини шакллантириш йўллари. Адабиёт ўқитишда манتيкий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш ва ўз нуқтаи назарини асослашга ўргатишнинг аҳамияти ҳамда бунни ташкил этиш йўллари.

Интерфаол усуллар технологик таълимнинг таркибий қисми сифатида. Адабиёт дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишнинг назарий асослари ва амалий татбиқи. Адабиёт дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этишда бадний матнни тадқиқ этиш усуллари.

6.4. Нутқ санъати

Нутқ техникаси ва унинг моҳияти. Нутқ техникасининг таркибий қисмлари. Нафас ва овозни мустаҳкамловчи машқлар. Талаффузини такомиллаштирувчи машқлар. Орфоэпия қоидалари. Нутқ техникасини мустаҳкамлашга доир текширув матнлари. Нутқ техникасини такомиллаштирувчи машқлар мажмуи. Нутқ техникаси устида ишлашга доир амалий машғулотларни кузатиш.

6.5. Педагогик квалиметрия

Квалиметрия – объект ва жараёнларнинг сифатини аниқловчи фан сифатида. Квалиметриянинг умумий, махсус ва амалий (предметли) соҳалари ҳақида тушунча. Педагогик квалиметрия – квалиметриянинг амалий (предметли) соҳаси. Педагогик квалиметриянинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик квалиметрия фаннинг мақсади ва вазифалари, илмий-тадқиқот методлари, долзарб муаммолари. Таълим-тарбия жараёнида педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиш истиқболлари ва муаммолари. Профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси. Педагогик квалиметриянинг назорат технологиялари. Таълим-тарбия жараёнидан қўтилаётган натижаларни баҳорат қилиш.

идентив ўқув мақсадларини шакллантириш ва унга эришиш технологиялари. Педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиб олий таълимда ташкил этиладиган ўқитиш шакллари: маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларининг таълим самарадорлигини аниқлаш методикаси. Талабалар ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва лаёқатини аниқлашда тест топшириқларидан фойдаланиш. Тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. Тест топширигининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш методикаси. Таълим-тарбия жараёнидан кутилган натижаларга эришилганлик даражасини аниқлашда репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий ўқув топшириқларидан фойдаланиш. Педагогик квалиметриянинг инновацион йўналиши бўлган таълим-тарбия жараёнида адаптив тест топшириқлари ва *My test* дастуридан фойдаланиш методикаси.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар биттирув ишини тайёрлайди.

Биттирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдиротини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдими куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;
- мавулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялар, илғор хорижий тажрибалар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими учун тавсия этилган хорижий адабиётлардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини "Электрон портфолио" тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
5. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
6. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
7. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондириши бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, – 2017.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрдаги Давлат тили ҳақидаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан

ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори (ЎзР ВМнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сонли, 2016 йил 28 июлдаги 244-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 152-сон қарори.

Ш. Махус адабиётлар:

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.

2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

3. Karimova V.A, Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014.–192 b.

4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.

5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.–336с.

6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. - М.: ВЛАДОС, 1999. - 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф. В.В. Попова, акад. РАО Ю.Г. Круглова. - 3-е изд. - М.: "БИНОМ. Лаборатория знаний", 2012. - 319 с.: ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004.
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. - СПб.: Питер. Серия "Учебное пособие", 2004.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие. - Киев: "МАУП", 2003.
11. G'ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari. - T.: Fan, 2010.
12. Азизходжаева Н. Педагогик технологиялар ва педагогик махорат. - T.: "Молия", 2003.
13. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - T.: 2000.
14. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers- 2-том. CD ва DVD материаллари. - T., 2008.
15. Michael McCarthy "English Vocabulary in use". Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
16. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саггаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-T.: 2011.
17. Саггаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулокоти. - T.: "Академия", 2003.
18. Маҳмудов И. Бошқарув психологияси. - T.: 2006.
19. Маҳмудов И. Бошқарув профессионализми; психологик таҳлил. - T.: "Академия", 2011.
20. Болтабоев Х. Адабиёт энциклопедияси. - T.: "Мумтоз сўз", 2015.
21. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. - T.: "Янги аср авлоди", 2011.
22. Каримов Б. Абдулла Кодирий ва герменевтик тафаккур. - T.: "Akademnashr", 2014.
23. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. "Шарқ" навириети", 2004.
24. Куронов Д., Рахмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. - T: "Фан", 2008.
25. Назаров К. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). - T.: 2004.
26. Бушуй А., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - T.: "Фан", 2007.
27. Sultonov I. Adabiyot nazariyasi -T., "O'qituvchi". 2005.
28. To'xliyev B.. Adabiyot o'qitish metodikasi. -T.: "Yangi asr avlodi" , 2006.
29. Niyozmetova R.. Uzluksiz ta'lim tizimida o'zbek adabiyotini o'rganish metodikasi. - T.: "Fan", 2007.

30. Mirqosimova, M. O'quvchilarda adabiy tahlil malakasini shakllantirish va takomillashtirish asoslari. –T.: “Fan”, 2006.
31. Сайидахмедов, Н. Янги педагогик технологиялар. –Т.: “Молия”, 2003.
32. Сайидахмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: Университет, 2005.
33. То'хлиев В., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O'zbek tilini o'qitish metodikasi (o'quv qo'llanma). – T., 2006.
34. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг талбикий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
35. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. –Т.: “Фан”, 2006.
36. Мухитдинова Х. Ўзбек тилини ўқитишда узлуксизликни таъминлашнинг илмий-методик асослари (монография). – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 238 б.
37. Юсупова Ш. Она тили ўқитиш мазмуни. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
38. Юсупова Ш. Тил таълими ва фалсафа (монография). – Т.: “Мумтоз сўз”, 2009.
39. Юсупова Ш. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (амалий ва лаборатория машғулоти учун ўқув кўлланма). – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012.
40. Юсупова Ш. Она тили ўқитишда интерфаол усуллар ва компьютер дастури (ўқув-услубий кўлланма). – Т., 2013.
41. Иўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп қалтиририш орқали ўстириш методикаси (монография). – Т.: “Фан ва технология”, 2012. -214 б.
42. Шнер Г. Искусство как вид знания. -М.: РОССПЭН, 2007.
43. Elaine Showalter: Teaching Literature. Blackwell Publishing Ltd, 2010.
44. Toutant Marc. The last Timurids's Culture: Study of Imitation Practice through the case of Alisher Navai (1441-1504)'s Khamsa, 2014.
45. Barthes Roland. A propos de deux ouvrages de Claude Levi-Strauss: Sociologie et socio-logique // Informations sur les Sciences sociales. UNESCO, dec. 2012. 1, 4.
46. Cohen J. Structure du langage poetique. Paris: Flammarion, 2006.
47. Jakobson R. Essais de linguistique generale. Paris, Minuit, 2009, ch. 11
48. Ruwet N. L'analyse structurale de la poesie // Linguistics, 2, dec. 2013.

III. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziynet.uz
2. www.edu.uz
3. infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz

4. www.tdpu.uz
5. www.pedagog.uz
6. tdpu-intranet.ped
7. www.nuuz.uz
8. www.bimm.uz
9. www.literature.uz
10. www.kutubxona.uz

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва ularнинг малакасини ошириш бўлими ва уларнинг малакасини ошириш тармақ маркази

Директор _____ Ш.С.Иброҳимов

“ ” _____ й.

М.Ў.



Алишер Навоий исмидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор _____ Ш.С.Иброҳимов

“ ” _____ й.

М.Ў.



Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармақ маркази

Директор _____ В.Х.Ходжаев

“ ” _____ й.

М.Ў.



“КЕЛИШВИЛГАН”:

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларнинг жорий қилинишини назорат қилиш Бош

бошқармаси

Бошқарма

бошлиғи _____ О.И.Исмаилов

“ ” _____ 201__ й.

М.Ў.